Марказий институтда 2015 йил 17-27 август кунлари тренер ўқитувчилар учун мақсадли курслар ўтказилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини тизимли давом эттириш, чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишни сифатли ташкил этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тиллари ҳафтасига 2 соатдан ўқитила бошланди. Бу йил сентябрда ушбу болажонлар 3-синфда чет тилларини ўрганишни давом эттирадилар.

Узлуксиз таълим тизими учун чет тилларидан янги Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда инглиз тилидан “Kids’ English”, немис тилидан “Deutsch macht spab” ва француз тилидан “Hirondelle” дарслик мажмуалари яратилди ҳамда биринчи марта 1-2-3 синфлар учун (дарслик, ўқувчи китоби, машқ дафтари, мультимедиа иловалари, ўқитувчи китоби) чоп этилиб, мактабларга етказиб берилди.

1-синфлар учун дарслик алифбони ўргатишга эмас, ўйин услубларига, 2-синфлар учун дарслик эса ўқиш ва ҳуснихатга асосланган бўлса, 3-синф дарслигининг асосий фарқи болани гапиришга, эшитишга, ўқишга ва ёзишга интеграциялашган ҳолда ўргатиш ҳисобланади.

Янгидан яратилган **3-синф** чет тили дарслик мажмуаларидан фойдаланишга ўргатишга мўлжалланган 36 соатлик курсларда 18 мингдан ортиқ ўқитувчилар малака оширишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сонли қарори асосида 2015 йил 1 мартдан бошлаб инглиз тили ўқитувчилари учун амалдаги малака ошириш жараёнига қўшимча равишда (ҳафтада бир марта 6

соатлик) касбий маҳоратни оширишга мўлжалланган узлуксиз малака ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур мақсадларда барча туман (шаҳар)ларда, ўқитувчиларнинг ўз ҳудудларида **576 та таянч мактаблар**базасида ташкил этилган курсларга махсус тайёрланган **695 нафар** малакали тренер-ўқитувчилар ёрдамида умумтаълим мактабларининг **20 минг нафарга** яқин инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз малакалари оширилиши йўлга қўйилди.

Жами 4 ой давомида 72 соат ҳажмда малака оширган ўқитувчилар ҳар ой якунида оралиқ ва июнь ойининг охирида якуний аттестациядан ўтказилиб, улардан **3016 нафари 75 %** дан юқори натижа кўрсатиб, кейинги курслардан озод этилди.

Ушбу курсларнинг II босқичини давом эттириш учун тренерларга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари А.Авлоний номидаги Марказий малака ошириш институтида **2 босқичда (1-босқич 17-19 август, 2-босқич 20-22 август)** кунлари ўтказилмоқда, **24 соатлик** ўқув дастури асосидаги ўқув машғулотларида жами **829**нафар тренер-ўқитувчилар иштирок этмоқда.

Мазкур тренингларда ўз маҳоратларини оширган тренер-ўқитувчилар ҳудудларига қайтиб борганларидан сўнг сентябрь ойидан бошлаб чет тили ўқитувчиларининг малакасини доимий тарзда ошириб борувчи курслардаги ўқув машғулотларини олиб борадилар. 2015 йил сентябрь-декабрь ойларида (72 соатлик) ўқув дастури асосида таянч мактаблар негизида ташкил этиладиган ҳар ҳафталик курс машғулотларини белгиланган муддатларда ва сифатли ўтказилиши таъминланади.

Махсус курсда тайёргарликдан ўтган тренер-ўқитувчиларнинг фаолияти ва мазкур фаолият натижалари, яъни ҳудудда фаолият кўрсатаётган чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратининг ўсиши халқ таълими вазирлигининг доимий диққат марказида бўлади. Тренер ўқитувчиларга А.Авлоний номидаги Марказий институт ва ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари томонидан узлуксиз равишда зарур методик ёрдам кўрсатиб борилмоқда.

2015-2016 ўқув йилида туман (шаҳар)лардаги **639 та** таянч мактабларида **825 та** гуруҳларда **829 нафар**махсус тайёрланган тренерлар ёрдамида **16932 нафар** чет тиллар ўқитувчилари учун **ҳар ҳафталик курс машғулотлари ташкил этилади.**